

ОАВНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

миллий ахборот маконини ривожлантиришга хизмат қилади ва бу жараён ўзметди позициясига мосдир

Бугун дунёда кечаётган ахборот глобаллашуви даврида ҳар қандай давлатнинг қудрати унинг нечоғли ахборотга эгаллиги, мазкур тизимни қай тарзда йўлга қўйганлиги билан белгиланиши сир эмас. Шунингдек, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафаккурини йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳоланмоқда.

Айни шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Конституциямизнинг тегишли моддалари ҳамда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари билан кафолатлаб қўйилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан ахборот соҳасидаги ислоҳотлар тадрижий ва тизимли равишда олиб борилмоқда. Пировардида, юртимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни демократик ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш бўйича ўзига хос тажриба тўпланди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожланиш даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз, ахборот соҳасининг изчил ва эркин тараққиёти ҳамда ҳар кимнинг ҳеч қандай тўсиқ ва монеликсиз ахборот олиш, ундан фойдаланиши учун зарур шароитларни таъминловчи такомиллашган ҳуқуқий базанинг мавжудлигидир.

Муҳтарам Президентимиз томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Маълумки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз сайловолди Ҳаракат дастурида оммавий ахборот воситаларининг чинакам мустақиллигини бундан буён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг ҳар томонлама мамлакат миллий манфаатларини илгари суриш ва Ўзбекистон халқининг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини, шунингдек, янгилашиш ва модернизация жараёнларидаги таъсирчанлигини кучайтириш масалаларига эътибор қаратиши назарда тутилган. Бунда, айниқса, соҳани давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш орқали журналист кадрларни тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, миллий ахборот маконида соғлом рақобатни, давлат ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги илғор ютуқлари асосида оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш устувор йўналиш этиб белгилаб олинган. Шу маънода, Концепцияда “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ғояси илгари сурилгани биз учун айти муддаодир. Мазкур Қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий принциплари ҳамда ҳуқуқий механизмлари белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга

солиш, уларга танлов асосида давлат грантларини ажратиш, ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда имтиёзлар бериш, давлат субсидияларини ажратиш масалалари ҳам аниқ белгиланмоқда.

Партиявий позициямиздан келиб чиқадиган бўлсак, қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, миллий ахборот бозорида ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлар салмоғини ошириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ижтимоий буюртмаларни бажарадиган оммавий ахборот воситаларига солиқ ва божхона тўловларида имтиёзлар бериш борасидаги масалалар ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. Ушбу Қонун фуқароларимизнинг ахборотни ва ўз шахсий фикрини эркин тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш билан бирга, ахборот бозори иштирокчиларига бир хилда, яъни тенг имкониятлар яратишга хизмат қилиши зарур. Келгусида ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солиш, давлат кафолатлайдиган молиявий-иқтисодий имтиёзлар ва преференцияларнинг асослилиги ва очиқлигини таъминлаш, алалоқибат миллий оммавий ахборот воситаларининг рақобатбардошлик салоҳиятини ошириш орқали ягона миллий ахборот маконини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиши даркор.

Яна шу нарса муҳимки, ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида, айниқса, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бераётган бир пайтда, айрим ғаразли кучлар бу имкониятлардан ўз мақсадлари йўлида мафкуравий қурол сифатида фойдаланаётганини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу боис, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамиятга молик масаладир. Демак, ёш авлоднинг қалби ва

онгида мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, уларнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар мазмун-моҳияти ва асл сабабларини чуқур англаши, тўғри идрок эта олиши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга бўлишига эришиш партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларида устувор аҳамият касб этади.

Айни вақтда “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жамоатчилик экспертизасидан ўтказилмоқда. Табиийки, унга ҳар бир сиёсий партия ўз дастури ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда. Хусусан, бошқа партиялардан фаркли ўлароқ, бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ўз қатъий фикри ва белгилаб олган аниқ позицияси бор. Яъни, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш масаласи, биринчи навбатда, миллий ахборот маконини янада ривожлантириш, миллий медиа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар томонидан долзарб ахборотлар яратиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, миллий журналистика мактабини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоғи лозим. Шунингдек, соҳага бозор механизмларини жорий этишда “оммавий маданият” элементларининг мамлакатимизга кириб келишига қарши ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш, миллий ахборот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар халқаро оммавий ахборот воситалари билан рақобатлашишида қонун йўли билан давлат мадади кўрсатиш, бу йўналишда, айниқса, миллий оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси фракцияси эса оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш йўлида ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги тамойилларига таяниш муҳимлигига аҳамият қаратмоқда. Фракция аъзолари таҳририятларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга

илгор инновацион ютуқларни тадбиқ этиш, журналистларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, энг муҳими, холис ва ҳаққоний ахборотларни тарқатишга эришиш оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилишини қайта-қайта таъкидлашдан чарчашмаяпти. Бу ёндашув ҳам тўғридир, эҳтимол. Бирок, “Адолат”чилар ана шу мақсадларини амалга ошириш юзасидан қонун лойиҳасига хали аниқ таклиф ва тавсияларни баён этишгани йўқ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари эса давлат томонидан журналистларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бўлган эътиборни янада кучайтириш, улар учун қулай имконият ва шарт-шароитларни яратиб бериш соҳа фаолиятида самарадорликни таъминлаш омили эканига урғу беришмоқда. Лекин, ушбу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, фақатгина журналистларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашнинг ўзи етарли эмас. Қачонки, оммавий ахборот воситаси иқтисодий жиҳатдан бақувват ва молиявий барқарор бўлсагина, унда меҳнат қилаётган нафақат журналистлар, балки барча ижодий-техник ходимларнинг ҳам моддий манфаатдорлиги ошишини унутмаслик лозим. Бунинг учун эса, мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхлит ҳуқуқий тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партияси фракцияси оммавий ахборот воситаларига бозор механизмларини кенг жорий этиш тарафдори. Бу бугунги шароитда мақбул йўллардан бири, албатта. Бозор механизмларини соҳага татбиқ этиш ҳам яхши самара беради. Аммо, биз фақат шу усул билангина кифоялансак, бозорнинг орқасидан қувиб кетаверсак, халқимизнинг минг йиллардан буён аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бой миллий қадриятлари, гўзал урф-одат ва анъаналари унутилиб кетиши хавфи вужудга келиши мумкин-ку?! Фикримизни

асослайдиган бўлсак, танганинг иккинчи томони борлигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Зеро, масаланинг ечимига бир томонлама ёндашув халқимизнинг қадимий анъаналари ва менталитети, миллий мафкурамизга ёт бўлган ғоялар тарқалишига олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Биз оммавий ахборот воситалари имкониятларини ҳозирги глобаллашув шароитида миллий ўзлигимизни сақлаш, урф-одатлар ва анъаналаримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бойитиш учун фойдаланишга ҳамда асрлар мобайнида шакланган беқиёс маънавиятимиз ва маданиятимизни тарғиб этишга ҳам йўналтирсак, тўғри бўлади. Шу маънода, юртимизга кириб келиши мумкин бўлган турли ахборот хуружлари ва таҳдидларга қарши фаол кураш олиб боришда оммавий ахборот воситалари кучидан юқори даражада фойдаланишимиз лозим. Шунинг учун ҳам фракциямиз аъзолари оммавий ахборот воситалари ҳамда миллий журналистикани янги босқичга кўтариш асосида ривожлантириб бориш, журналист кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш, уларнинг ўз қобилият ва маҳоратларини тўла-тўқис намоён этишлари йўлида давлат томонидан барча керакли шарт-шароитларни яратиб бериш тарафдоридир. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари ҳар қандай жамиятда ҳам нафақат ахборот тарқатувчи, балки жамоатчилик фикрини шакллантирувчи фуқаролик жамияти институтларининг фаол таркибий қисми бўлиб келган. Шундай экан, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар бугунги кунда ғоят ҳаётий аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шундай экан, миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни

ривожланган давлатлар оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш мақсадида миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ва бу борадаги муайян бўшлиқларни бартараф этиш қонун ижодкорлари бўлган биз депутатларнинг, хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоларининг долзарб вазифасига айланган.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,

ЎзМТДП фракцияси аъзоси.

Миллий тикланиш, 28 февраль 2012 йил